



Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг ошхонасини аутсорсинг усулида ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш бўйича танлов комиссиясининг № 1 сонли йиғилиш баёни

«24» июл 2020 йил

Комиссия раиси:
Аъзолари:

Бош врач
Бош врач ўринбосари
Хўжалик ишлари мудири
Бўлим бошлиғи
Ҳисобчи
Пархез хамшира

Қатнашдилар :
М.Ахмедов
К.Ёркулов
О.Эргашов
Д.Бердиев
Х.Бадалов
М.Муртозаева

КУН ТАРТИБИ:

Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази беморларини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича ташкилотлар (давогарлар) тушган таклифлар ўртасида танлов ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 04 Июндаги 16 сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ва корпоратив харидлар тўғрисидаги 09.04.2018 йилдаги ПҚ-472-сонли қарорига асосан, **Кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан 04.06.2020 йилда “7021273” лот хамда №7021266 лот рақамлари билан Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси**” нинг dxarid.uz сайтида 10 кун мобайнида танлов эълонга жойлаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16 сон қарорига асосан талабгорларда олинган тижорат таклифларига асосан эркин танлов савдоси ўтказилади.

Кун тартибидаги масала бўйича Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачлари М.Ахмедов сўзга чиқиб марказ беморларини соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича барча ҳисоб китоблар ўрганиб чиқилиб, аутсорсинг усулида ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Кўп тармоқли тиббиёт маркази товар хом-ашё биржасига эълон берилган кундан 10 кун муддатда 8 (саккиз) та давогар ташкилот томонидан тижорат таклифлари (Ёпик конверт усулида) тақдим қилинган.

Булар: 1. “Elite kids” МЧЖ, 2. “Autorsing 2020” МЧЖ, 3. “Asadbek tekistil invest 2011” МЧЖ 4. “Unique MAX” МЧЖ(бюджет), 5. “Merkuriy 2020” МЧЖ 6. “Sog'lom kelajak avlod” МЧЖ. 7. “Oygul aya NAVOIY” oilaviy korxonasi 8. “Unique MAX” МЧЖ(махсус х/р)

Танлов бўлиб ўтиш куни 24.06.2020 йил соат 11-00 далиги ҳар бир талабгор раҳбарига телефонграмма орқали маълум қилинганлигига қарамай 5 (беш) таклиф талабгорлари танловда қатнашаётганлиги, 3 (уч) та фирма вакиллари: “Autorsing 2020” МЧЖ, “Asadbek tekistil invest 2011” МЧЖ, “Oygul aya NAVOIY” oilaviy korxonasi танловга келмаганлиги маълум бўлиб, ушбу ташкилотлар таклифлари жойлаштирилган конвертлар очилмаслиги ва танловда иштироки мумкин эмаслиги айтиб ўтилди.

Танловда иштирок этувчи фирмаларнинг тадбиркорлик субъекти бўлиши, аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағлари мавжудлиги, молиявий ахволи баркарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензия ёки рухсатномага эга эканлиги ўрганилди. Талобгорларнинг мутахассислар малакаси, СанПин нормаларига асосан иш олиб бориш имконияти, моддий техника базаси тўғрисида маълумотлар эшитилди ва тақдим этилган тижорат таклифлари ўрганилганда:

| № | Пудратчи ташкилотнинг номи | Бажар-иладиган иш | Шартнома тузиладиган ҳисоб рақам | Таклиф этиладиган сумма |
|---|----------------------------|--|----------------------------------|--|
| 1 | “Elite kids” МЧЖ | НВКТТ маркази ошхонасида аутсорсинг хизматини ташкил қилиш | Бюджет Махсус х/р | 92920.0 минг сўм 167440.0 минг сўм |
| 2 | “Unique MAX” МЧЖ | НВКТТ маркази ошхонасида аутсорсинг хизматини ташкил қилиш | Бюджет Махсус х/р | 92000.0 минг сўм 16560.0 минг сўм |
| 3 | “Merkuriy 2020” МЧЖ | НВКТТ маркази ошхонасида аутсорсинг хизматини ташкил қилиш | Бюджет Махсус х/р | 147200.0 минг сўм 147200.0 минг сўм |
| 4 | “SOGLOM KELAJAK AVLOD” МЧЖ | НВКТТ маркази ошхонасида аутсорсинг хизматини ташкил қилиш | Бюджет Махсус х/р | 90160,0 минг сўм 145360.0 минг сўм |

Бош врачнинг даволаш бўйича уринбосари К.Ёркулов сўзга чиқиб юқорида ўз таклифларини берган **“SOGLOM KELAJAK AVLOD” масъулияти чекланган жамият** таклиф қилаётган нархларини бошқаларга нисбатан арзонлиги, малакали ходимлар билан таъминланганлиги, кўп йиллик иш тажрибаси, етарли моддий базага эга эканлигини айтиб ўтди. Комиссия азолари О.Эргашов ва М.Миргазаева сўзга чиқиб таклиф бераётган ташкилотлардан **“Unique MAX” масъулияти чекланган жамият**, **“Merkuriy 2020” масъулияти чекланган жамият**, **“Elite kids” масъулияти чекланган жамият** нархи кимматлиги тўғрисида гапириб, нархнинг пасайиши таом сифатига тасирини утказишга йўл қўйилмаслигини айтиб ўтди. “Омбор мудир О.Эргашов сўзга чиқиб юқорида таклиф берган корхоналар орасида Соглом келажак авлод масъулияти чекланган жамиятларидан таклиф этган нархлари бошқа ташкилотлардан арзонлигини инобатга олиб **“SOGLOM KELAJAK AVLOD” масъулияти чекланган жамият** томонидан амалга ошириш мақсадида мувофиқлигини билдирди.

Юқоридагиларга қура Бош врач қушимча равишда сўзга чиқиб тиббиёт марказининг ошхонасини аутсорсинг усулида **“SOGLOM KELAJAK AVLOD” масъулияти чекланган жамиятга** утганлиги сабабли ҳамда молия бошқармаси томонидан 1 сентябрдан ошхона ишчиларига иш хақи ва унга тенглаштирилган туловларга маблағ ажратилмаслиги туфайли тиббиёт маркази ошхонасида ишловчи ошпаз ошхона ишчилари ҳамда озик оватқат омборчисиларига 1 июлдан бошлаб меҳнат шартномасиларини бекор қилиш бўйича оғахлантириш хатлари берилишини тайинлаб ўтди.

Танлов савдосига тақдим этилган талабгорларнинг таклифлари эшитилди тижорат таклифлари комиссия азолари томонидан ўрганиб чиқилди.


Таққослаб кўриш натижасида танлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий вилоят куп тармокли тиббиёт маркази беморларини соғом овқатланишни “аутсорсинг” усулида ташкил қилиш тўғрисидаги таклиф мақуллансин.
2. Навоий вилоят куп тармокли тиббиёт маркази беморларини соғлом овқатланишни “аутсорсинг” усулида ташкил қилиш комиссиясининг марказ беморларини соғлом овқатланишини аутсорсинг усулида ташкил қилиш бўйича ўтказилган танловда **“Unique MAX” МЧЖ, “Mercuriy 2020” МЧЖ, “Elite kids” МЧЖ, “SOGLOM KELAJAK AVLOD” МЧЖ** лари иштирок этганлиги ва ўтказилган танлов якунлари бўйича овқатланишни махсус моддий-техника базаси талаб даражасида озик овқат махсулотлари ва таом тайёрлаш технологияси мутахассисларга эга бўлган **“SOGLOM KELAJAK AVLOD” МЧЖ** танлов ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги хулосаси мақуллансин.
3. Белгилансинки, Навоий вилоят кўп тармокли тиббиёт марказида аутсорсинг усулида овқатланишни ташкил этадиган аутсорсерга тиббиёт маркази ошхона ва жихозларини ижарага бериш нол қийматда амалга оширилади ҳамда коммунал тўловлар (электр энергияси, газ, сув) тиббиёт маркази томонида қопланади. Аутсорсинг усулида овқатланишни ташкил этганда тиббиёт маркази штатлар жадвалида ошпаз, ошхона ишчиси ва омборчи штат бирликлари кўзда тутилмайди. Аутсорсинг усулида овқатланишни ташкил этиш бўйича шартнома тиббиёт маркази ҳамда аутсорсер ўртасида календар йили учун яъни 01.07.2020 йилдан бошлаб 3 йил муддатга тузилсин. Шартнома муддати тугагандан сўнг аутсорсер фаолияти Комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб ижобий хулоса берилганда шартнома муддати узайтирилиши мумкин.
4. Тиббиёт маркази бухгалтерияси М.Воҳидовга: тиббиёт маркази аутсорсер билан шартномани 2020 йилнинг 1 июлидан тузиш, ҳамда Навоий вилоят Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказишни таъминласин. Аутсорсер томонида хар ойда тақдим қилинадиган хисоботлар асосида хар ойнинг 25 санасига қадар тўловни амалга оширади.
5. Хўжалик ишлари мудирини О.Эргашовга вилоят “Ижара маркази” ДУК га мурожат қилиб тиббиёт маркази ошхонаси ва жихозларини ўрнатилган тартибда овқатланишни ташкил этадиган талабгорга нол қийматида ижарага берилишини ҳамда коммунал (электр энергияси, газ, сув, иссиқ сув ҳамда иссиқлик) харажатларини тиббиёт маркази харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар хисобидан қопланишини юклатилсин.
6. Пархез хамшира М.Муртозаева: тиббиёт маркази беморларига тайёрланадиган овқат сифати ҳамда СанПин нормаларига асосан тасдиқланган меню бўйича тайёрланишини, ошхона ходимларининг тиббий кўрик дафтарчаларини назоратини олиб бориш топширилсин.
7. Ходимлар бўлим бошлиғи А.Ражабовга ҳамда ҳуқуқшунос Б.Эшпулатовга: тиббиёт маркази ошхонасида ишловчи ошпаз ошхона ишчилари ҳамда озик овқат омборчисиларига 1 июлдан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича оғахлантириш хатлари берилсин.

Комиссия раиси:

Аъзолари :



М.Ахмедов
К.Ёркулов
О.Эргашов
Д.Бердиев
Х.Бадалов
М.Муртозаева